

**ҒАЗНАЧИЛИК СОҲАСИДАГИ НАЗОРАТ ВА
БОШҚАРУВНИНГ РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИСИ**

Атажанов Муродбек Бекбергенович

Мустақил тадқиқотчи

Халқаро молия, иқтисодиёт ва рақамли маконда бўлаётган ўзгаришлар миллий иқтисодиётнинг туб ўзгаришларга олиб келиши бу табиий ҳолат ҳисобланади. Сабаби давлат ўз функцияларини, мажбуриятларини бажаришда турли ташкилотлар, қолаверса бошқа давлатлар билан иқтисодий муносабатларга киришади. Ўзбекистон Республикасининг миллий ривожланиш мақсадларидан бири иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг, шунингдек, давлат бошқарувининг асосий тармоқларининг рақамли етуклигига эришишдир. Шу мақсадда мамлакатимизда барча тармоқлар ва соҳаларда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникацион, инфорацион технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда ахборот жамияти, сунъий интеллект, рақамли иқтисодиёт, давлат бошқаруви ривожланиш векторини белгиловчи турли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб келинмоқда. Бунга мисол сифатида “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини келтириб ўтишимиз мумкин.

Корпоратив секторда инфорацион технологияларининг жадал ривожланиши шароитида давлат ҳеч бўлмаганда сегментда эришилган даражада инфорацион технологияларини жорий этилишига етиши керак бўлади. Шу боис давлат ягона рақамли платформалар ва тизимларни яратиш орқали ўз вазифаларини бажариш сифати ва изчиллигини ошириши зарурдир. Давлат бошқарувини рақамли ўзгартиришнинг алоҳида йўналиши назорат фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқдир.

Ғазначилик тизими ички давлат молиявий назорати органи бўлиб,

рақамли трансформация бўйича ҳам муҳим ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. Ҳазначилик назорати фаолиятини рақамли ўзгартириш соҳани назорат функциялардан огоҳлантириш функцияларига ўтишни назарда тутди.

Юқоридаги ҳолат ва мақсадлар доирасида молия ва бюджет соҳасида назоратни режалаштириш ҳамда амалга оширишда рискга йўналтирилган фаолият ёндашувни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Рискга йўналтирилган назорат, назорат қилинадиган объектнинг фаолияти тўғрисидаги ҳар томонлама маълумотлар асосида қонун бузилиши ёки бюджет операцияларининг қонунийлигига салбий таъсир кўрсатадиган ҳаракатлар хавфини аниқлаш учун унинг ҳолатини таҳлил қилишни ўз ичига олади. Шундай қилиб, риск ва хавфларни ўз вақтида аниқлаш ҳазначилик тизимлари учун назорат чораларини кўришда сигнал вазифасини ўтайди, бу эса ўз навбатида уларни тезда бартараф этишга ва олдини олишга ёрдам беради.

Огоҳлантириш кўринишидаги назоратга ўтишга молия ва бюджет соҳаларида мониторинг ва назоратни самарали жорий этишга ёрдам беради. Уларнинг моҳияти шундан иборатки, ҳазначилик тизимлари реал вақт режимида рақамли ўзаро таъсир қилиш орқали назорат объектининг бирламчи маълумотларига кириш, жараёнларда қонунчиликка риоя этилишини таъминлаш ва молия бюджет соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш имкониятини беради.

Юқоридаги чора-тадбирларни амалга оширишда одатда сунъий интеллектдан кенг фойдаланилади ва у ягона рақамли макон яратишда кенг кўламли имкониятларни тақдим этади. Ягона рақамли макон деганда бюджет ҳисоби маълумотлари, харидлар соҳасидаги ягона тизим, риск-маълумотларни таҳлил қилиш, бюджетнинг касса ижроси тўғрисидаги маълумотлар манбалари бўлган назорат объекти тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар базаси тушунилади. Бундай маълумотларнинг жамланиши назорат объектининг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги

маълумотларни автоматлаштирилган ва тезкор таҳлил қилиш имконини беради, бу эса, ўз навбатида, камчиликлар ва ҳуқуқбузарликларни тезкор аниқлаш ва уларни тезда бартараф этишга ёрдам беради, жумладан ўз-ўзини текшириш ҳолатларидан ҳам.

Бундай рақамли платформа мавжудлигида давлат бошқарувининг “рақамли етуқлигига” эришиш риск ва хавфларни тезкор бошқариш, шунингдек, олдиндан тузилган алгоритмлар ёрдамида бошқарув қарорларини қабул қилиш бўйича тавсияларни шакллантириш имконини беради. Бундан ташқари, қоғозбозлик жараёнлари минималлаштирилади, муддатлар қисқартирилади ва бошқарув таъсирининг аниқлиги ортади.

Шундай қилиб, молия-бюджет соҳасидаги назоратни рақамли шаклга ўзгартиришнинг самараси қуйидаларда намоён бўлади:

- масофавий мониторинг, “рақамли” бошқарувчи, бошқариладиган объектни ўз-ўзини таҳлил қилиши ҳисобига маъмурий юкни камайтиради;
- хавфларга тезкорлик билан жавоб бериш ва риск даражаларини биргаликда назорат қилади;
- оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш ва уларни самарали амалга оширилишини таъминлаш учун кенг қамровли тизим яратилади.

Бунинг натижасида молия-бюджет соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг самарали механизмлари ва олдини олиш (огоҳлантириш) назорат тизими яратилади.

Шундай қилиб, рақамли трансформация шароитида назорат ва эксперт-таҳлил жараёнлари асосан инсон омилидан мустақил бўлиб, таҳлил ва башоратларга таянган ҳолда қоидабузарликлар ва хатоликларни аниқлашга эмас, балки уларни юз бериш эҳтимолларидан огоҳлантириш вазифасига ўтади.

Нazorat ва аудит катта ва майда маълумотларни (atomic data) таҳлил қилишга эмас, балки қонунбузарликлар ва оғишларни тезда аниқлаш, бартараф этиш, олдини олишга ва огоҳлантиришга йўналтирилган бошқарув функциясига айланиб бормоқда.

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

Давлат молиявий назоратини рақамлаштириш нафақат ахборот-технологик компонентни, балки давлат молиявий назоратининг методологик асосларини ҳам ўзгартиришга олиб келади, чунки рақамлаштириш билан назорат методологияси, унинг усуллари ва воситалари ўзгариб боради. Бунда давлат ҳамиша тайёр туриши муҳим саналади.